2017 йил 11 сентябрь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 186 (13.519)

Баҳоси эркин нархда


## ХАЛҚАРО САММИТ ДОИРАСИДАГИ САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 9-10 сентябрь кунлари Остона шаҳрида бўлди.**

10 сентябрь куни Остона шаҳрида Мустақиллик саройида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити очилди.

Мазкур саройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Саммитни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев очди.

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ушбу нуфузли саммити "Фан, технологиялар, инновациялар ва ислом оламини модернизация қилиш" мавзусида ўтди.

Маълумки, 2016 йил 18 октябрь куни Тошкентда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси бўлиб ўтган, "Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" шиори унинг асосий ғояси этиб белгиланган эди. Шу маънода Остона саммитини Тошкентда ўтган сессиянинг мантиқий давоми, дейиш мумкин.

Саммитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Фан ва технологиялар бўйича саммитда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ва кузатувчи мамлакатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар вакилларидан иборат 80 га яқин делегация иштирок этди. Саммит якунида Остона декларацияси имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мазкур саммит доирасида Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳоний, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашувлар ўтказди.

Эрон Президенти билан мулоқотда Шавкат Мирзиёев Ҳасан Руҳонийни яқинда бўлиб ўтган Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самимий муборакбод этди.

Ўзбекистон ва Эрон халқларини тарихий ва маданий муштараклик, яхши қўшничилик муносабатлари боғлаб туради. Икки мамлакатнинг мумтоз адабий мероси халқларимиз учун бирдек қадрли. Бугунги кунда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил мустаҳкамланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-инфратузилма соҳаларидаги алоқаларга тўхталар экан, бу борадаги имконият ва кенг салоҳиятдан янада самарали фойдаланиш, ўзаро саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш ҳамкорликни янги босқичга кўтаришини таъкидлади.

Ҳасан Руҳоний Эрон Ўзбекистонни минтақадаги яқин ва ишончли ҳамкор деб билишини, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланиши ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилишини қайд этди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан учрашувда мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодиёт, инвестиция, сайёҳлик ва бошқа соҳалардаги алоқаларини кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди. Ўзаро манфаатли ва узоқ истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун тегишли вазирликлар ва ишбилармон доиралар ўртасида мунтазам учрашувлар ташкил қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Икки давлат Президентлари Ўзбекистон билан Туркия бир-бирига муҳим ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида қарашини, томонлар ҳамкорликни ўзаро ишонч тамойиллари асосида кенгайтириш ва халқларимиз манфаатларига хизмат қиладиган юксак даражага кўтариш тарафдори эканини таъкидладилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан мулоқотда у билан яна бир бор учрашаётганидан мамнун эканини таъкидлади.

Икки давлат раҳбарларининг жорий йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида ўтган учрашуви чоғида эришилган келишувлар асосида ҳамкорликни янада фаоллаштириш бўйича "йўл харитаси" қабул қилинди. Унинг изчил амалга оширилаётгани натижасида савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланиб бормоқда. 2017 йилнинг биринчи ярмида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 18,5 фоиз ўсган.

Президентларнинг ушбу учрашувидан кейин савдо айланмаси янада ошиши қайд этилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ўртасида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон – Озарбайжон муносабатларининг бугунги ҳолати, савдо-иқтисодиёт, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг улкан иқтисодий салоҳиятидан тўла фойдаланиш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикасига ташрифи ниҳоясига етди.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
*Тошкент – Остона – Тошкент*

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ҲУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

***Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 сентябрь куни Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси сиёсий-ҳуқуқий комиссияси котиби, Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси Мэн Цзяньчжу бошчилигида Қўшма қўмитанинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси ҳукумати делегациясини қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида ўзаро манфаатли, кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланаётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил май ойида Хитойга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаргани, мамлакатларимизнинг ҳар томонлама стратегик шериклигини мустаҳкамлашга хизмат қилгани алоҳида таъкидланди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор суръатларда ўсиб бормоқда. Шу йилнинг январь-июль ойларида товар айирбошлаш ҳажми 2,5 миллиард доллардан ошди.

Хитойнинг етакчи компаниялари ва банк-молия институтлари билан ҳамкорликда энергетика, нефтгаз, кимё, машинасозлик, электротехника, енгил саноат тармоқлари, ишончли транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, туризм ва бошқа муҳим йўналишларда устувор сармоявий дастур ва лойиҳалар тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Икки давлат ҳудудлари ва бизнес ҳамжамиятлари ўртасидаги алоқалар фаол ривожланмоқда. Илмий-техникавий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгаймоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги амалий ҳамкорлик, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий, сармоявий, молиявий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги алоқалар истиқболлари муҳокама қилинди.

Олий даражадаги келишувларнинг тўла бажарилиши ҳамда иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларидаги янги лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси алоҳида ўрин тутиши қайд этилди.

Мэн Цзяньчжу Президентимиз Шавкат Мирзиёевга қабул учун самимий миннатдорлик билдирди, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Хитой Ўзбекистон билан ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга тайёр ва бундан манфаатдор экани таъкидланди.

Президентимиз фармонига мувофиқ, мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, шунингдек, йирик иқтисодий ва сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Мэн Цзяньчжуга "Дўстлик" ордени топширилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Қозоғистон Республикаси Президенти муҳтарам Нурсултон Назарбоев Жаноби Олийлари!

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби, муҳтарам доктор Юсуф бин Аҳмад ал-Усаймин Жаноби Олийлари!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ушбу нуфузли саммитининг мавзуси, яъни **"Фан, технологиялар, инновациялар ва ислом оламини модернизация қилиш"** деган ғоя бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Таъкидлаш керакки, Ислом олами жаҳон фани ва цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссаси билан фахрланишга тўла ҳақлидир.

Хусусан, Марказий Осиё ҳудуди Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида бутун дунёда маълум ва машҳур бўлган.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, улуғ ватандошларимиз – алгоритм асосчиси Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Ғарбда Авиценна номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирзо Улуғбек сингари мутафаккир зотларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда буюк аждодларимиз қолдирган, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ана шундай эзгу мақсад билан ўтган йили Тошкентда ўтказилган ташкилотимизнинг Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ғоясини илгари сурган эдик ва ҳозирда бу борада мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ташкилотимизга аъзо давлатлар раҳбарларига, хусусан, Ислом тараққиёт банкининг президенти Бандар Ҳажар Жаноби Олийларига ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорчилик билдираман.

Бугунги кунда Ўзбекистон китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзмалар сақланмоқда, уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Айни вақтда биз Ўзбекистон пойтахти Тошкентда Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш ишларини бошладик. Ва Ташкилотга аъзо мамлакатларни фаол ҳамкорликка чақирамиз.

Бу марказни "Жаҳолатга қарши – маърифат" шиори остида барпо этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислиги даврида "Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" ғоясини илгари сургани албатта бежиз эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 300 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасаси, илмий-ишлаб чиқариш корхоналари ва инновация марказлари фаолият олиб бормоқда.

Кейинги пайтда мамлакатимизда янги илмий-инновацион тузилмалар – Геномика ва биоинформатика маркази, Халқаро қуёш энергияси институти, Юқори технологиялар маркази, Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази ташкил этилди.

Биз Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий қўмитаси фаолиятини юксак баҳолаймиз ва унинг ишида янада фаол иштирок этишни режалаштирганмиз.

Ташкилотимизнинг мазкур йўналишда 2005-2015 йилларга мўлжалланган Ўн йиллик ҳаракатлар дастури натижалари белгиланган мақсадларга эришилганидан далолат беради.

Айни вақтда кўплаб мусулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганини тан олиш лозим.

Масалан, аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университети рейтингидан ўрин олган, холос.

Ёки 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги биру ўндан тўққиз фоизни ташкил этган. Ташкилотга аъзо давлатларда 2016 йилда эълон қилинган илмий мақолаларнинг қарийб 80 фоизи 7 та давлат ҳиссасига тўғри келган.

Аксарият мусулмон мамлакатлари бой табиий захираларга, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этиш лозим.

Ўйлайманки, фундаментал фан соҳаларини ривожлантириш, даврнинг долзарб муаммоларига илмий ечимлар топишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйиш ислом оламининг илмий-технологик салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам замин яратади.

Мирзо Улуғбекнинг астрономия фани ривожидаги бебаҳо ҳиссасини эътиборга олиб, Самарқанд шаҳрида замонавий телескоп ўрнатиш тўғрисидаги таклифни биз миннатдорлик билан қабул қиламиз.

Биз Ислом ҳамкорлик ташкилотининг 2016-2025 йилларга мўлжалланган Ўн йиллик ҳаракатлар дастури ва унинг устувор йўналишларини тўла қўллаб-қувватлаймиз ҳамда қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблаймиз.

**Биринчидан,** глобал иқлим ўзгаришлари муаммоси. Аксарият минтақаларда тупроқ емирилиб, унумдор ерлар қисқариб бормоқда, чўлланиш, сув танқислиги, қурғоқчилик, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш жиддий муаммога айланмоқда.

Оролбўйидаги экологик фалокат туфайли бу таҳдидлар бизнинг минтақамиз учун янада катта хавф туғдирмоқда. Биз "персоналлаштирилган қишлоқ хўжалиги" концепциясини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилишни таклиф этамиз.

Бу концепция қишлоқ хўжалиги экинларининг муайян муҳит, тупроқ, ўғит, сув ва биостимуляторларга нисбатан реакциясини инобатга олиб, уларнинг аниқ генотипларига эътибор қаратишни назарда тутади.

**Иккинчидан,** илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашган ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Қозоғистон Президенти муҳтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевнинг барқарор ва инклюзив иқтисодий тараққиётга эришиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган мусулмон давлатлари ўртасида инфратузилмалар бўйича интеграцияни ташкил этиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

**Учинчидан,** юқорида зикр этилган Доимий қўмитанинг аъзо давлатлар ҳудудида олтита Юқори самарали компьютер марказини ташкил этиш тўғрисидаги тавсиясига мувофиқ, шундай марказлардан бирини Ўзбекистонда жойлаштиришга тайёр эканимизни билдирамиз.

Биз ёш олимларга билим ва тажриба алмашиш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш имконини берадиган Мусулмон олами ёш олимлари халқаро марказини тузишни таклиф этамиз.

**Тўртинчидан,** Доимий қўмита ҳомийлигида Ўзбекистонда Ал-Хоразмий хотирасига бағишлаб, ёш математиклар ўртасида Халқаро олимпиадани ташкил этишни таклиф қиламиз.

**Бешинчидан,** мусулмон дунёсида эришилаётган илм-фан ютуқларини муносиб тақдирлаш ҳамда уларни халқаро миқёсда оммалаштириш учун Ислом ҳамкорлик ташкилотининг махсус мукофотини таъсис этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

**Олтинчидан,** муқобил энергия манбаларини кенг миқёсда ўзлаштириш барчамиз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга. Шу боисдан бу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-инновацион лойиҳаларни биргаликда, хусусан, инвестициялар киритиш ҳисобидан амалга оширишга тайёр эканимизни билдирамиз.

**Еттинчидан,** аъзо давлатларнинг барқарор иқтисодий ривожланиши, аҳолининг муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш мақсадида Фан ва технологиялар бўйича саммитни ҳар уч йилда бир марта ўтказишни ва ушбу таклиф қўллаб-қувватланган тақдирда, кейинги саммитни 2020 йилда Ўзбекистонда ўтказишга тайёр эканимизни билдирмоқчиман.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Бугунги саммит мусулмон умматининг бирдамлигини мустаҳкамлаш, халқларимизнинг равнақи ва фаровонлиги йўлидаги тарихий қадам, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Ишончим комил, ушбу анжуман буюк аллома Мирзо Улуғбек Бухоро шаҳрида бунёд этган мадраса пештоқига битилган "Илм эгаллаш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир", деган ҳадиси шарифни ҳаётимиз қоидасига айлантиришга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби, доктор Юсуф бин Аҳмад ал-Усаймин Жаноби Олийларига, Ташкилотимизнинг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий қўмитаси раиси, Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн Жаноби Олийларига мусулмон оламидаги илмий ҳамкорликни кучайтириш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлари учун ташаккур билдираман.

Қозоғистон Республикаси Президенти муҳтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевни гўзал Остона шаҳрида "ЭКСПО – 2017" халқаро кўргазмасининг муваффақиятли ўтгани билан самимий табриклайман ҳамда бугунги саммит юксак савияда ташкил этилгани учун чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида соғлом ва ҳар томонлама ривожланган ўсиб келаётган авлоднинг шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали мактабгача таълим тизимини ташкил қилиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, мавжуд тизимли камчиликлар мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

**биринчидан,** мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги ҳолати тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳада, шу жумладан, нодавлат секторда замонавий иннновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермаяпти;

**иккинчидан,** мактабгача таълим соҳасига инвестицияларни жалб қилишга, шу жумладан, ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, уларни моддий-техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва илғор педагогик технологияларни қўллашга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилинмаган;

**учинчидан,** мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техника базасининг амалдаги ҳолати болаларни мактабгача таълим муассасалари билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга имкон бермаяпти, мамлакатда аҳоли сонининг ўсиши айрим мактабгача таълим муассасаларининг ҳаддан ташқари бандлигига олиб келмоқда;

**тўртинчидан,** миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) материаллар ва бадиий адабиётларни тайёрлаш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятига жорий этиш ишлари замонавий талабларга жавоб бермайди;

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**бешинчидан**, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг амалдаги тизими мактабгача таълим соҳасини болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар билан таъминлай олмайди;

**олтинчидан**, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимининг паст даражада эканлиги малакали кадрларни жалб қилиш имконини бермаяпти;

**еттинчидан**, мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари ишини ташкил этишдаги камчиликлар болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, шу жумладан, соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича профилактик чора-тадбирлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг инфратузилмаси ва моддий-техникавий жиҳозланишини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактабгача таълим соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилади:

замонавий ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш мақсадида инвесторларга ер участкалари, бўш турган бинолар, шу жумладан, фаолият юритмаётган ва тарбияланувчилар сони кам бўлган давлат мактабгача таълим муассасаларини беғараз ажратиш;

инвесторларга мактабгача таълим муассасаларини, айниқса шундай муассасаларга юқори эҳтиёж мавжуд ва инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда ташкил этиш учун зарур бўлган солиқ имтиёзлари ва бошқа преференцияларни, шунингдек, имтиёзли кредитларни тақдим этиш имконияти;

инвесторлар томонидан ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув асосида лойиҳани амалга ошириш;

инвесторлар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда назарда тутилган шартларга, мактабгача таълим соҳасидаги давлат талабларига, санитария-гигиена нормаларига қатъий риоя этиш, келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари хизмати нархининг ижтимоий ҳаммабоплигини таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни бекор қилиш механизмлари.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йилда ўтказилган эксперимент якунлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига республиканинг бошқа ҳудудларида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

3. Тошкент шаҳрида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари билан сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга эксперимент тариқасида рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2017 йилда ўтказилган эксперимент якунлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига республиканинг бошқа ҳудудларида мазкур амалиётни жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда "Йўл харитаси" деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишига шахсан жавобгардир.

5. Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) 2-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

6. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мактабгача таълим соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқларни, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни юзага келтирувчи нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш ва таҳлил этиш;

мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга оширишга, шу жумладан, зарур инфратузилмани яратишга, ходимларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришга, педагогик кадрларни сифатли тайёрлаш ва малакасини оширишга, шунингдек, мактабгача таълимнинг хусусий секторини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда комплекс ўрганиш;

мактабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сифатли мактабгача таълимни ташкил этишга давлат талабларини қайта кўриб чиқиш;

мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилишнинг амалдаги тартибини, ваколатли давлат органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳолатини танқидий ўрганиш;

мавжуд амалиёт ва илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

мактабгача таълим муассасаларини ўқув-тарбиявий адабиётлар билан таъминлаш тизимини таҳлил қилиш;

мактабгача таълим муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини ўрганиш ҳамда сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатлар етказиб беришнинг шаффоф ҳамда соддалаштирилган тизимини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

мактабгача таълим соҳасида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

7. Комиссия (А.Н.Арипов):

"Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш давомида ушбу қарорнинг 6-банди билан юклатилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин;

"Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чорак якуни бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида умумлаштирилган ахборот киритилишини таъминласин.

8. Комиссияга юклатилган вазифаларни сифатли бажариш учун вазирликлар ва идоралар мутахассисларини, республиканинг илмий ва таълим муассасалари вакилларини, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг экспертларини белгиланган тартибда жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

9. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Комиссияга юклатилган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга оширишнинг механизмини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 9 сентябрь*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мактабгача ёшдаги болага сингдирилган билим ва қадриятлар унинг бутун келгусидаги ҳаётини белгилаб бериши сабабли мактабгача таълим уйғун ривожланган шахсни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, ўтган даврда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимни ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда республикада 4 893 та давлат мактабгача таълим муассасаси фаолият олиб бораётган бўлиб, уларни молиялаштиришга фақат 2016 йилда Давлат бюджетидан 1,6 триллион сўм ажратилган.

Ушбу соҳада соғлом ва ҳар томонлама ривожланган ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган 57 мингдан ортиқ мутахассислар меҳнат қилмоқда.

Шу билан бирга, мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга айрим тизимли камчиликлар тўсқинлик қилмоқда.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги тизими мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, мазкур соҳани янада ривожлантириш учун инновацион қарорларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермаяпти.

Мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолати болаларни мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга имкон бермаяпти.

Мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг паст даражаси болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир малакали мутахассислар билан таъминлай олмайди.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг озиқ-овқат, моддий таъминоти ва уларга тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишда ҳам жиддий камчиликлар кузатилмоқда.

Шу муносабат билан, Давлат раҳбари томонидан 2017 йил 9 сентябрда қабул қилинган **"Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарор билан Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактабгача таълим соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилди.

Қарорда мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техникавий жиҳозланишини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ва республиканинг вилоят марказларида **эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш белгиланди**.

Давлат раҳбари томонидан ташаббус қилинган давлат-хусусий шериклик механизми замонавий ва ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш учун инвесторларга ер участкалари ва бўш турган биноларни 50 йил муддатга беғараз ажратишни кўзда тутади.

Инвесторлар ташкил этилаётган мактабгача таълим муассасаларида давлат таълим талабларига, санитария-гигиена ва бошқа нормаларга риоя қилиш, келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш, шунингдек, мактабгача таълим хизматини кўрсатиш нархининг мақбуллиги ва арзонлигини таъминлаш учун масъул бўлиши назарда тутилмоқда. Бунда инвесторларга кенг солиқ имтиёзлари ва бошқа преференциялар, шунингдек, имтиёзли кредитлар тақдим этилади.

Бинобарин, Тошкент шаҳридаги давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари билан тегишли талабларга жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш тўғрисида тўғридан-тўғри шартномалар тузишга эксперимент тариқасида рухсат берилди.

Мазкур экспериментлар якунлари бўйича республиканинг бошқа ҳудудларида давлат-хусусий шериклик механизмларини ва мактабгача таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш тартибини жорий этиш масаласи кўриб чиқилиши назарда тутилмоқда.

Қарор билан ушбу соҳадаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишга қаратилган **Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси"** ҳам тасдиқланди.

Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилди. Комиссия томонидан мактабгача таълим соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқлар, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни юзага келтирувчи нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлил этиш, шунингдек, мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда комплекс ўрганиш ишлари амалга оширилади. Бунда зарур инфратузилмани яратиш ва мактабгача таълимнинг хусусий секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шу билан бир қаторда, сифатли мактабгача таълимни ташкил этишга давлат талаблари, шу жумладан, мактабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилади.

Шунингдек, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқиш уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материалларни тайёрлаш ҳамда жорий этиш ишлари ҳам замонавий талабларга мувофиқлаштирилади.

Қарорда ваколатли давлат органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилишни соддалаштириш ҳам ўз ичига олган ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилди.

Нодавлат мактабгача таълим тизимини кенгайтириш мақсадида Комиссияга мавжуд амалиёт ва илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш топширилди.

Ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, мактабгача таълим соҳасида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг амалга оширилиши мамлакатда мактабгача таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техникавий жиҳозланишини тубдан яхшилаш имконини беради.

# ҲУКУМАТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИ

***Тошкентда 9 сентябрь куни Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Тадбирда Ўзбекистон ва Хитойнинг инвестиция, савдо-саноат, иқтисодиёт, энергетика, нефть-газ, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, электротехника, кимё саноати каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон –Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси Абдулла Арипов, Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси сиёсий-ҳуқуқий комиссияси котиби, Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси Мэн Цзяньчжу ва бошқалар Ўзбекистонда Хитойнинг етакчи саноат компаниялари билан узоқ муддатли ва манфаатли алоқалар йўлга қўйилгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил май ойида Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи якунлари ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, барча соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда Хитой компаниялари билан ҳамкорликда мамлакатимизда электр ва гидроэнергетика, нефть-газ, кимё саноати, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш каби йўналишларда 60 дан зиёд лойиҳа амалга оширилган. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокидаги 700 дан ортиқ компания ва корхоналар фаолият юритмоқда. Шундан 88 таси тўлиқ Хитой сармояси асосида ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг 73 компанияси ўз ваколатхонасига эга.

Мажлисда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш, инвестиция, энергетика, нефть-газ, юқори технологиялар ва бошқа қатор соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги ҳамкорлигида бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сармоявий, молиявий ва техникавий ҳамкорлик, тадбиркорлик субъектларининг бевосита алоқаларини рағбатлантиришга оид масалалар кўриб чиқилди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

Мэн ЦЗЯНЬЧЖУ:

# ХИТОЙ ВА ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

***Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари ҳар томонлама стратегик шериклик асосида изчил ривожланмоқда. Бу ҳақда Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси сиёсий-ҳуқуқий комиссияси котиби, Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси Мэн Цзяньчжу ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:***

– Аввало, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдираман. Хитой билан Ўзбекистоннинг серқирра ҳамкорлиги барча соҳаларда юксак самаралар бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 11 май куни давлат ташрифи билан Хитойда бўлган эди. Ўша учрашувда давлатларимиз раҳбарлари томонидан имзоланган муҳим ҳужжатлар ва эришилган келишувлар бугун кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Бугун Хитойнинг етакчи компаниялари Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни, биринчи навбатда, юқори технологияга асосланган тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Транспорт, тўқимачилик, таълим ва бошқа йўналишларда қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётир.

Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг навбатдаги мажлисида самарали музокаралар бўлиб ўтди. Учрашувларда савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш бўйича келишувларга эришилди. Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон маҳсулотларини Хитой бозорларида кўришдан мамнун бўламиз. Хитойлик тадбиркорлар Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган қулай шароитлардан ғоят хурсанд.

Хитой ва Ўзбекистон қадимий тарих ва бой маданиятга эга мамлакатлардир. Гуманитар алоқалар ҳамиша давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб келган.

Хитой Ўзбекистон билан тараққиёт ва юксалиш йўлида бундан буён ҳам изчил ҳамкорликни давом эттиради, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари янада мустаҳкамланиб бораверади.

Сўзим якунида шуни қатъий ишонч билан айтаманки, Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев билан барча соҳаларда юксак марраларни забт этади.

**А.ЎРОЗОВ**
**ёзиб олди**

# КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ НАМОЙИШИ ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРДИ

*Остона, 10 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Бекзод ҲИДОЯТОВ хабар қилади.*

EXPO 2017 ASTANA FUTURE ENERGY

Қозоғистонда 10 сентябрь куни "Astana EXPO – 2017" халқаро ихтисослашган кўргазманинг расмий ёпилиш маросими ўтказилди. Унда қатор давлат раҳбарлари ва халқаро делегациялар етакчилари иштирок этди.

Уч ой давом этган кўргазмада Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Хитой, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Туркия, Ҳиндистон, Вьетнам, Арманистон, Покистон, Озарбайжон, Беларусь, Куба, Туркманистон, Руминия, Бразилия, Грузия каби 120 га яқин давлат ўзининг технологик, илмий, маданий ютуқларини намойиш этди. Шунингдек, 20 дан ортиқ халқаро ташкилот қатнашди.

"Келажак энергияси" мавзуида ўтказилган кўргазма, унинг доирасида ташкил этилган халқаро конференциялар сайёрамиз келажагига бевосита таъсир кўрсатаётган энергия истеъмоли муаммоси жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётганини очиб берди.

Саноатлаштириш рамзи, техник ва технологик ютуқлар намойиши учун очиқ платформа ҳисобланган ЭКСПО кўргазмаси миллионлаб одамлар эътиборини тортди, унга 5 миллиондан зиёд меҳмон ташриф буюрди.

Мамлакатимиз кўргазмада самарали иштирок этди. Умумий майдони 1 минг 180 квадрат метрни ташкил этган павильонга минглаб меҳмонлар, мутахассислар ташриф буюрди. Юртимизнинг автомобилсозлик, юқори технологиялар, робототехника, туризм, аграр соҳаларда эришган ютуқлари акс эттирилган стендлар уларда катта қизиқиш уйғотди. Истиқболли ҳамкорликка оид қатор шартномалар имзоланди. 5 сентябрь куни Ўзбекистон миллий куни ўтказилди.

"Astana EXPO – 2017" кўргазмасининг ёпилиш маросимида бу йилги тадбир 1851 йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган халқаро ярмарканинг мантиқий давоми бўлгани, дунё халқларини бирлаштиришга катта ҳисса қўшгани, уни ўтказиш ва ярмаркада иштирок этиш истагини билдираётган мамлакатлар сафи тобора кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Халқаро ихтисослашган кўргазманинг расмий ёпилиш маросими театрлаштирилган концерт дастури ва мушакбозлик билан ниҳоясига етди.

Навбатдаги халқаро ихтисослаштирилган кўргазма 2020 йил Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ўтказилади.

# САНЪАТ МУХЛИСЛАРИ УЧУН БЕТАКРОР ТУҲФА

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида мазкур театрнинг янги 88-ижодий мавсуми очилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.***



Очиқ осмон остидаги концерт – I Миллий симфоник OPEN AIR тарзида икки кун ўтказилган ушбу мусиқий кеча юртдошларимиз, хорижлик меҳмонлар, санъат ихлосмандлари учун чинакам туҳфа бўлди.

Мамлакатимизда мусиқа санъатининг барча тур ва йўналишларини равнақ топтириш, уларни янги анъаналар билан янада бойитиш, халқимиз, айниқса ёш авлоднинг маънавияти, мусиқий, бадиий-эстетик дидини юксалтириш масалаларига доимий эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан учрашуви чоғида ёшларни ватанпарварлик, юртга, халқига содиқлик, фидойилик руҳида тарбиялашда, уларнинг маънавиятини ёт ғоялардан асрашда ижодкор зиёлилар зиммасидаги улкан вазифалар белгилаб берилган эди.

Мазкур учрашув кўплаб ижодий жамоалар сингари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг янада равнақ топиши йўлида ҳам янги истиқболларни очиб берди. Айни жиҳатлар етакчи ижодий ташкилотларнинг "дўстлари клуби"нинг ташкил этилиши, уларга юртимизнинг йирик компания, банк ва корхоналарининг ҳомий сифатида бириктириб қўйилиши, доимий ҳамкорликнинг йўлга қўйилишида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Улуғ аллома бобомиз номи билан юритилувчи ушбу театр наинки мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда ҳам эътибор қозонган ижодий жамоа. Катта театрнинг опера ва балет спектакллари, концерт дастурлари, санъат фестиваллари мусиқа санъати мухлисларининг юксак эътирофига сазовор бўлган. Шу билан бирга АҚШ, Италия, Россия, Япония, Жанубий Корея каби давлатларнинг санъаткорлари, ижодий театрлари билан ҳамкорликдаги лойиҳалари юртимиз маданий ҳаётида ёрқин воқеалар сифатида эътироф этилган.

...Театрнинг сўлим ва файзли майдони оқшом чоғи турли ёритиш ускуналари, декорациялар, махсус лазер технологиялар, камалакранг тусдаги фаввора фонида мутлақо ўзгача, янада шукуҳли, жозибали, мафтункор, эртакона қиёфа касб этган. Салқин шабада, мусиқанинг илоҳий таъсир кучи бу масканга янада ўзгача ижодий муҳит бағишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри томонидан "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг, "TOP Congress" компаниялари кўмагида ташкил этилган OPEN AIR мусиқий дастури янги 88-театр мавсумини очиб беради.

Ўзига хос ва бетакрор ижодий ёндашув асосида тайёрланган мазкур мусиқий дастурда истиқлол йилларида миллий мусиқа, театр, опера ва балетга оид санъатимизнинг илғор ютуқлари намойиш этилди. Унинг очиқ осмон остида ташкил этилгани эса мусиқанинг бебаҳо намуналаридан, жаҳон ва ўзбек композиторларининг дурдона асарларидан тобора кўпроқ одамларнинг баҳра олишига имкон беради. Бугунги кунда жаҳоннинг қатор давлатларида мусиқий дастурни томошабинларга тақдим этишнинг бундай илғор шакли – очиқ осмон остидаги OPEN AIR шоуларини ўтказиш амалиёти кенг қўлланилмоқда.

– Мамлакатимизда ижод аҳлига кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор санъаткорларни янада кўпроқ изланишга чорламоқда, – дейди театр дирижёри Бобомурод Худойқулов. – Бундай амалий ғамхўрликлардан кўнглимиз тоғдек ўсди. Икки кун давом этадиган мусиқий дастур томошабинлар, юртимиз меҳмонлари учун бетакрор совға бўлишига умид қиламиз.

– Янги ижодий мавсумда томошабинлар учун бир қатор янги саҳна асарларини тақдим этиш кўзда тутилган, – дейди театр бош балетмейстери Шавкат Турсунов. – Ўзбек ва жаҳон композиторлари асарлари асосидаги спектакллар, юртимизнинг бой маданиятини намойиш этувчи концерт дастурлари, хорижий санъаткорлар билан биргаликдаги лойиҳалар, ёш истеъдодлар учун маҳорат сабоқлари шулар жумласидандир.

Бу концерт томошабинларга завқ, ижодкорларга чексиз илҳом бағишлайдиган ўзига хос мусиқа байрамидир, – дейди Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. – Унда қатнашаётганларнинг аксарияти халқаро, республика танловларининг ғолиблари, "Ниҳол" мукофоти соҳиблари экани мамлакатимизда ижодкор ёшларга кўрсатилаётган улкан эътиборнинг амалий тасдиғидир.

Жўшқин миллий ариялар, нафис вальслар, башарият мулкига айланган мусиқий асарлар, опералардан намуналар томошабин руҳиятини юксакларга кўтарди. Мухлислар олқишининг ниҳояси йўқ... Барчанинг дилида ягона тилак – "Тинч, осуда, фаровон она-Ўзбекистонимизда мусиқанинг дилбар оҳанглари янграйверсин!"

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Қорақалпоғистон Республикасида уй-жойга муҳтож, имконияти чекланган фуқароларга Президент совғаси – янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уйларнинг калити тантанали равишда топширилди.**

**• Тошкент вилоятида жорий ёз мавсумида 21 стационар ва 160 кундузги оромгоҳда 34 мингдан зиёд бола соғломлаштирилди. Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" маданият саройида ўтказилган болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотлари анжуманида бу ҳақда маълумот берилди.**

**• Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида инвестиция дастури асосида реконструкция қилинган Тўрақўрғон – Жомашуй автомобиль йўли фойдаланишга топширилди. Йўл инфратузилмаси жаҳон андозаларига мос равишда барпо этилди. Умумий қатнов йўлидан ташқари автомашиналар учун алоҳида ички йўл ва пиёдалар йўлаклари, гулзорлар учун майдончалар бунёд этилди. Йўл бўйига ўрнатилган декоратив ёритгичлар кундузи кўчани кўркам қилса, тунда шаҳарлардаги каби чароғон этади. Мазкур йўлда амалга оширилган лойиҳага 15 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.**

**• "Энг намунали оила" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Оила" илмий-амалий маркази вилоят бўлимлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 11 оила иштирок этди.**

## ЖАҲОНДА

**• Футбол қироли афсонавий Пеле Португалия терма жамоаси ҳужумчиси Криштиану Роналдуни терма жамоалар тўпурарлари бешлигига кирганлиги муносабати билан табриклади. Маълумот учун таъкидлаш жоизки, Португалия терма жамоасининг ЖЧ-2018 саралаш гуруҳи еттинчи туридан ўрин олган Фаррер ороллари термасига қарши баҳсида Роналду ўзининг бош командадаги голлари сонини 78 тага етказиб, терма жамоа сафида 77 та гол киритган Пеледан ўзиб кетган эди.**

**• Польшалик икки талаба "Rover-toshbaqa" номли кичик роботни ихтиро қилишди. Масофадан туриб бошқариладиган, турли вазифаларни бажаришга қодир, сувда, қумда ва қуруқликда ҳаракатлана оладиган ушбу янги роботга Австралия ва Африка мамлакатларидан буюртмалар тушмоқда.**

**• Япониянинг машҳур "Nissan" автомобилсозлик компанияси томонидан "LEAF" русумли янги электрокар намойиш этилди. Кунчиқар мамлакатда жорий йилнинг 2 октябридан, қолган давлатларда эса келаси йил бошидан савдога чиқариладиган электрокарга 40 киловатли янги турдаги қувватловчи батарея ўрнатилган бўлиб, у бирвараканйига 241 километр масофада ҳаракатланиш имконини беради ва аввалги натижадан 70 километрга кўпдир. Компаниянинг режаларига кўра, йилига 90 минг донадан "LEAF"нинг сотилиши кўзда тутилмоқда.**

***Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги босқичи барча соҳалар қатори ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар олдига ҳам муҳим, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўймоқда.***

# ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОШ ВАЗИФА

Шу билан бирга юртимизда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш учун прокуратура органларининг куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар этишни тақозо этади.

Президентимизнинг "Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони юқорида қайд этилган долзарб вазифаларни рўёбга чиқаришда муҳим дастуруламалдир. Фармонда жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини сўзсиз бажаришни, амалга оширилаётган ислоҳотларга тўсиқ бўлувчи омиллар ва тизимли камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқот ўрнатишни, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ҳал қилишни, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишни, жамиятда қонун бузилишига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришни таъминлаш сингари қатор масалалар прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди. Қайд этиш керакки, фармонда белгиланган топшириқларнинг сўзсиз ва вақтида ижро этилишини таъминлаш прокуратура органлари ходимларидан жуда катта масъулият ва фидойиликни талаб этади. Белгиланган топшириқларнинг бажарилиши фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

**Сардор БОЙМАТОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКҚ департаменти Сергели туман бўлими инспектори**

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши томонидан партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳамда барча туман, шаҳар кенгашлари раислари иштирокида форум бўлиб ўтди.***

Унда Президентимизнинг жорий йил 12 июлда ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда партиянинг барча тузилмалари фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш, белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида, самарали ижро этилишини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Партия депутатлик корпуси ҳамда вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари раисларининг иш фаолияти қайта кўриб чиқилиб, белгиланган режаларни самарали амалга ошириш механизмлари юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши раиси Наримон Умаров ва бошқалар мамлакатимиз равнақи ва халқимиз фаровон ҳаётини таъминлашда сиёсий партиялар фаолияти муҳим аҳамият касб этиб, улар аҳоли ва ёшлар бахту саодати йўлида хизмат қилиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг 9 август куни видеоселектор шаклида ўтказилган партия сиёсий кенгашининг VIII Пленумида давлатимиз раҳбарининг маърузасидан келиб чиққан хулосалар ўрганилиб, амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Унда айниқса, партия дастурида илгари сурилган энг муҳим ижтимоий йўналишлар, жумладан, тиббиёт ва таълим тизимида йиғилиб қолган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича амалий ташаббуслар илгари сурилди.

Тадбирда партиянинг "Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур", "Мактабда ижтимоий тенглик" лойиҳалари бўйича амалга оширилаётган ишлар танқидий таҳлил этилди.

Шунингдек, "Марказ – вилоят – туман" тартибида ишлайдиган янги тизимни жорий этиш баробарида "Фракция – марказ – вилоят – туман" тизими бўйича партия ташкилотлари ўртасидаги алоқадорликни кучайтириш кераклиги таъкидланди.

Тадбирда партия тизимида кадрлар билан ишлашни кучайтириш, етакчиларнинг сиёсий билим ва малакасини ошириш, бошланғич партия ташкилоти фаолиятини янада кенгайтириш, ёшлар билан ишлаш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Форум якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зиёда РАСУЛОВА**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил май-июль ойларида Тошкент шаҳрининг туманларига ташрифларида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг шу хусусдаги 2017 йил 25 августдаги 120-ф-сонли фармойишини ижро этиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Бандлик бош бошқармаси, Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан тегишли туман ҳокимликлари ҳамда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ишсиз фуқаролар, ёшлар, хотин-қизлар ва олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун 2017 йилнинг **12-13 сентябрь** кунлари Юнусобод туманида жойлашган "Ёшлар ижод саройи" биносида "Бўш" (вакант) иш ўринлари меҳнат ярмаркаси" ўтказилади.

Мазкур меҳнат ярмаркасини ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳри ҳудудида фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда нуфузли банклар ўзларидаги мавжуд бўш (вакант) иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар билан тадбирда иштирок этишади. Шунингдек, Тошкент шаҳрида ишсиз фуқаролар, ёшлар, хотин-қизлар ва олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари орасидан ўз бизнесларини йўлга қўйиш истагида бўлган фуқаролар учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитлар ва қулай ҳамда соддалаштирилган кичик бизнес лойиҳалари тақдимоти ҳам ташкил этилади.

### АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги №ПФ-5059 "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаб, "Ўзбекэнерго" АЖнинг 2017 йил 01.06. кунидаги 326-сонли буйруғи талабларини бажариб, "Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi" АЖнинг 2017 йил 05.06. кунидаги 517-сонли буйруғи ҳамда 2017 йил 06.06. кунидаги 519-сонли буйруғи чиқарилиб, энергосотиш хизмати юридик ва жисмоний истеъмолчилари билан ишловчи назоратчилар штати қисқарди ҳамда ходимлар билан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Шу муносабат билан "Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi" АЖ бош директорининг 2017 йил 08.09. кунидан 758-сонли буйруғи билан энергосотиш хизмати "Жисмоний ва Юридик шахс истеъмолчилар назоратчилари" шахсини тасдиқловчи гувоҳномалар бекор қилинди.

"Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi" АЖ энергосотиш хизмати Юридик ва жисмоний шахс истеъмолчилар назоратчилари шахсини тасдиқловчи "Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi" АЖ бош директори томонидан 2017 йил берилган № 001 рақамидан № 607 рақамигача бўлган гувоҳномалар ўз кучини йўқотганлиги ва бекор қилинганлигини маълум қилади.


(Газетанинг навбатдаги сони 13 сентябрда чиқади).

